

Истанбулда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллудларига бағишланган кўрғазма очилди



15:55 / 11.11.2019 2262

Истанбулда пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллудларига бағишланган «Ал-Мавлид ал-Набий» анъанавий исломий санъат кўрғазмаси очилди. Бу ҳақда Islam.ru манбаси хабар беради.

Ушбу кўрғазма «Аёллар маркази», Туркия оила ва ёшлар диний жамғармаси, Долмабахче саройининг санъат галереяси (сарой коллекцияси музейи) да ўтказилади.

Кўрғазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Туркия дин ишлари вазири Али Эрбаш «Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Албатта, Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради. Кибр эса, ҳаққа**

унамаслик, одамларни менсимасликдир» (Муслим ривояти) дея таъкидлади.

Кўргазмада 200 га яқин асар, 50 нафар талаба ва 8 та «Аёллар маркази», Туркия диний жамғармасининг оила ва ёшлар санъат мактаб усталари қатнашмоқда.

Шунингдек, «Эбру» техникасидан фойдаланиб яратилган хаттотлик ишлари, «Чини» кулолчилик расмлари, миниатюралар, олтин «тезхип» га бўялган чарм буюмлари, саккизта санъат йўналишлари каби асарлар тақдим этилган.

Кўргазма 8-13 ноябрь кунлари, душанба кунидан ташқари соат 09:00 дан 17:00 гача давом этади.

Islom.uz портали таҳририяти